Мамлакатлар	Саноат махсулотини умумий ҳажми	Саноат махсулотини нархи индекси	Расмий рўйхатга олинган корхоналар товар обороти
1	2	3	4
Озарбайжон	74,7	730	48,8

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Наманган шаҳрида қурилиш ва ободонлаштириш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда бу ерда “Ешилик” ва “Дўстлик” деб аталувчи янги турар жой мавзелари бунёд этилган, қўлаб маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари қурилиб фойдаланишга топширилгани бунинг исботидир.

СУРАТЛАРДА: 1. Шаҳар ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари Шухрат Йўлчибоев, ҳокимликнинг уй-жой қуриш ва тақсимлаш бошқармаси бошлиғи жовчи Абдурашид Абдуҷамидов ва ер йўловчи Абдулла Умаров келгуси режалар хусусида суҳбатлашмоқда. 2. Яна бир янги уйга пойдевор қўйилди. 3. “Дўстлик” турар жой мавзеида ишга туширилган “Савдо уйи”.

Т. МАХКАМОВ олган суратлар.



Долзарб мавзу

Кечаги кунгача Жиззах бозорларига тўрт-беш олибсатар ўргимчакдек уя қўрган, бозорқўм раислари эса деҳқон билан улар ўртасида бир воситачига айланиб қолганди. Бозорга ўша учарлар ҳўжайин эди.


Улар тонг бўзармай дарвоза олдида пайдо бўлишиб, узок-яқиндан келган деҳқонни очикчасига талардилар. Махсулотни арзон-гаровга ташлаб кетишга мажбур қилар, акс холда бозорга қирғишмасди. Булар биринчи тоифа олибсатарлар бўлиб, махсулотни иккинчи олибсатарга, иккинчиси учинчига пуларди. Тўртинчи олибсатар эса пештахтада ўтириб савдо қиларди.

Деҳқон келтирган сабзавот-полизи еки мева-чева шу тариха қўлма-қўл ўтиб, бозор нархини ошириб юборишини бозорқўм раҳбарлари билишмасди? Афсуски, билишарди, лекин чора қўришолмасди. Чунки улар олибсатарга шерик, ундан манфаатдор, "соққа"сини олиб тургандан кейин тиллари қисик бўлиб қолганди. Қовун қоровулидек бозорда савлат тўкиб юрган бундай ожиз бандлардан харидор манфаати йўлида бирон чора кўтиб бўлмасди. Бозор гўе уларнинг махрига тушгандек, уни даромад манбаига, шахсий хазинага айлантириб олишганди.

Эски шаҳар деҳқон бозорига Жиззахнинг энг обрўли кишиларидан бири — Жўракул Тўраев ўн йил директорлик қилди. Вазият шу даражага етдики, бозорқўм бошлиги ва унинг паттачилари на халқни, на ҳокимликни менсимай қўйишди. Тартибсизлик авжига чиқди. Хар бир олибсатар ўз растансини хоҳлаган жойга ўрнатиб, харидорлар юрадиган йўлакларни ҳам узунасига ва кўндалангига эгаллаб олди. Газли сув сотувчилар бозор ичи ва ташқарисидики барча ичимлик сув жўмрақларини кесиб ташлашди. Шундай қилишмасе, халқ улар сотаётган меваза, нимранг сувни ичмай қўярмиш.

Шу бозор филиали ҳисобланган мол бозорига бу каби иллатлар бундан-да кўпайди. Бир неча пулқувар даллол бозор майдонини ўзаро бўлишиб олиб, сотувчинини ҳам, харидорини ҳам қасқата бўшладди. Улар ўн-ўн бешталик қорамол ва қўй-эчкини хали тонг еришмай олиб қўйишар, кейин бемалол отасининг нархини қўйиб сотишарди. Пул уларнинг кўзини шу қадар кўр қилиб, виждонини лойқалатган эдики, ҳатто молларни ўз фарзандлари еки хотинларига ушлаб қўйиб, "шу

етимга раҳм қилинг, минг сўм ошинг", "шу есининг молини олинг, тўй қилмоқчи боякиш" дейишарди. Ўз жуфти ҳалолини есир деб, фарзандини етим деб пул топган бундай попоқ



ДИРЕКТОРЛАР БИР-БИР ЭЛАКДАН ЎТКАЗИЛГАЧ...

Ўн қон босими ошиб кетган адабиётчи бозорга бошлиқ бўлгач, неча кунда соғайиб кетади?

одамларни бозорқўм ҳам хар бозор кўриб турарди, бироқ чора йўқ эди.

Вазирлар Маҳкамасининг савдо соҳаси ва бозорлардаги тартиббузарликларни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида қарори эълон қилинган, бундай ғаламисларнинг пайтавасига қурт тушди. Даромад курсисига маҳкам ёпишиб олган бозорқўм ходимлари элакдан ўтказилди. Эски шаҳар, темир йўл ва Галлаорол туман бозорқўмлари директорлари Жўракул Тўраев, Абдували Мусаев, Турсункул Қўчқоров шу элакнинг майда тешикларидан биринчи бор элагандек шувиллаб ўтиб кетишди. Гап эгасини, қилгилик ҳўжасини топади, деганларидек бошқа бозорқўмлар ҳам ҳадиксираб, ўз "тақдир"ларидан фол оца бошлашди. Уларнинг ҳам кўни етиб келди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Адлия вазирлиги чиқарган буйруққа кўра вилоятда ташкил этилган нуфузли комиссияси томонидан 14та деҳқон бозори раҳбарлари аттестация қилинди. Бозор муаммолари, деҳқонга шароит яратиш, олибсатарни қуритиш, меъерий ҳужжатлар билан ишлаш, бозорқўмнинг ҳақ-хуқуқларини ўзида акс эттирган 37 банддан иборат саволнома ҳафта бурун уларга тарқатилиб, сўнгра батафсил синовдан ҳам ошиб тушди. Тўрт синф маълумотига эга бўлган бу одам

йил бозорқўм бўлиб ишлагач, "касали" ҳам тузалиб кетибди.

Наврўз шаҳридаги бозор директори ўқитма Сувоққулнинг эса касби тарихчи бўлса-да, асосан матбуот тадбирлари тўғрисида қарори эълон қилинган, бундай ғаламисларнинг пайтавасига қурт тушди. Даромад курсисига маҳкам ёпишиб олган бозорқўм ходимлари элакдан ўтказилди. Эски шаҳар, темир йўл ва Галлаорол туман бозорқўмлари директорлари Жўракул Тўраев, Абдували Мусаев, Турсункул Қўчқоров шу элакнинг майда тешикларидан биринчи бор элагандек шувиллаб ўтиб кетишди. Гап эгасини, қилгилик ҳўжасини топади, деганларидек бошқа бозорқўмлар ҳам ҳадиксираб, ўз "тақдир"ларидан фол оца бошлашди. Уларнинг ҳам кўни етиб келди.

Булар-ку, пенсия ешига яқинлашиб қолган кишилар. Лекин эндигина ўттизга кирган Илес Рабимов айти навхирон ешида товаршунос касбига ишламай, бозорга ўтган. У аттестация комиссияси аъзоларининг бирорта саволига жавоб беролмади. Бунинг устига чўнтаги учун ишлаётганини билдириб қўйди.

— Зафарободда олибсатарлар борми? — деган саволга "ха, энди хар жўйнинг ўзига яраша олибсатарлари бўлади-да" деб лоқайлик билан жавоб берди. Қўшни Арнасой туманидаги ҳаммаси, 67 ешли оксоқол Хусан Алламуродовнинг ўз вазифасига мутлақо қизикмаслиги, "бозорқўмнинг вазифаси нима?" деган оддий савол олдида лол қолгани эса Илесниқидан ҳам ошиб тушди. Тўрт синф маълумотига эга бўлган бу одам

жўрида тилга олинган бошқа бозорқўмлар қатори бозорда биронта ўзгариш қилмаган. Қарор чиққанга бир ойдан ошганига қарамай, ҳамон деҳқон-харидор тизимида воситачиликдан нарига ўтолмаган.

Буларнинг ҳаммаси комиссия хулосаси билан эгаллаб турган вазифаларига нолийқ деб топилди. Комиссия бозор директорларидан 5

Жамол Эргашев, Эргаш Норматов, Хамро Тошмуродов каби янги тайинланган директорлар анча сезиларли ишлар қилишибди. Деҳқондан махсулот сотиб оладиган ва халққа сотадиган пунктлар очилибди. Сув жўмрақлари қайта тикланибди. Савдо расталари махсулот турларига қараб тартиб билан жойлаштирилган. Нарх-наво ҳам бошқа бозорлардагига қараганда бирмунча арзонлашган. Жиззах, Зомин мол бозорларида олибсатар ва даллолларни йўқотиш бўйича махсулот комиссияси иш бошлабди. Пахтакор, Форш туманлари бозорларида қатта қурилиш ва ободончилик ишлари бўлаётганини кўрдик.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим бозорқўмлар "энди аттестациядан ўтиб олдим, янагисига ҳудо 'пошшо' кайфиятида қўл қовуштириб турганликларини ҳам учратдик. Дўстлик тумани бозорига нарх-навоини арзонлаштириш учун ташкил этилган қабул пунктда аҳолидан олинган пиез, картошка ва сабзи сўлиб қолганига қарамай, деҳқондангидан 50-60 тийин қиммат сотилаётганини паттачи Азим Самадовга шахсан кўрсатишга тўғри келди. Махсулот бозор қўм йил давлат назорати бошлиғи, ижроқўм раиси, ҳоким муовини бўлиб ишлаб келган Жўракул Ялғошев директор қилиб тайинланган. Аттестация комиссияси ҳам уни вилоятдаги энг обрўли кишилардан ҳисоблаб, "синов"дан ўтказган эди. Лекин бу бозорда биронта янгилик қилинмаётди. Фақат миш-миш эшитдик: Ялғошев "раҳбар бўлиб лаққиллаб юраверган эканмиз, ижроқўмда бир йил ишлаб топгани, бозорда бир кунда топса бўларкан" деб юрганмиш. Бу қанчалик тўғри-нотўғрилигини билмадиг-у, аммо эшитганимизни езяймиз. Бундан аттестация комиссияси ҳам, туман ҳокимияти ҳам хоҳлашса хулоса чиқаришар.

Бугун ҳаммамизнинг мақсадимиз муштарак бўлмоғи керак: истемол бозорини мол-махсулот билан тўлдириб, нарх навоини тушириш, деҳқонга чекланмаган имкон бериш, олибсатарни йўқотиш, бозорда тартиб ўрнатиш, ободончилик қилиш.

Хуллас, четдан келган меҳмон бозорга қараб, шаҳар еки туман раҳбарига баҳо берадиган бўлсин.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.



КУРАШ КЕСКИНЛАШАДИ

АҚШ конгрессининг келтирилган комиссияси жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Энди ҳўжжат сенат ва вакиллар палатаси томонидан тасдиқланиши лозим.

Бу қонун эъравонликка қарши кураш борасида муҳим дастур бўлиши таъкидланмоқда. Жўмладан, АҚШ Президенти Билл Клинтон бу ҳақда "Биз мамлакатимизда йуриқ ғалаба арафасида турибмиз", деди.

Қонун лойиҳаси мамлакатдаги полициячилар сонини 100 минг нафарга қўлайтириш, турмаалар қуришга маблағлар сарфини ошириш ҳамда ўлим жазоси берилмаган жиноятлар рўйхатини бир неча ўн баробар кенайтиришни кўзда туттади.

ХИТОЙ: СУВ ТОШҚИНИДАН КЕЙИНГИ АҲВОЛ

ХХР халқ сўғурта компанияси яқинда рўй берган сув тошқинидан зарар кўрган жанубий туманлар аҳолисига 160 миллион юан миқдорда товон пули тўлайди.

Маълумки, мамлакатнинг жанубий қисмида июль ойидан буюн еткан емгир кучли сув тошқинлариға сабаб бўлди. Бунинг натижасида ўнлаб кишилар ҳалок бўлди, 200 минг ўй вайронга айланди, 270 минг гектар ер сув остида қолди. Дастлабки маълумотларға қараганда, етказилган зарарнинг умумий миқдори 14 миллиард юандан ортиқдир.

САЙЛОВ ОЛДИНДА ЁН БЕРИШДИ

Сайловчиларнинг асосий қисми Япония Социал-демократик партияси етакчиси Томиити Мурома бошчи коалицион ҳўкуматни қўллаб-қувватламоқда. Маълумки, Т. Мурома бундан бир ой муқаддам ҳўкумат раҳбари лавозимига сайланган эди.

"Майинти" рўномаси сайловчиларнинг 40 фоизи Вазирлар Маҳкамаси сиестатини қувватлашни билдирган. Шунингдек, сўрвуда 31 фойз сайловчи ҳўкуматни мутлақо қувватламаслиги ойдинлашди.

Социал-демократик партия мамлакатнинг "Ўз-ўзини мудофиа қилиш қучлари"ни бундан буюн гайриконституциявий муассаса деб ҳисобламаслигини эълон қилди. Иккинчи жаҳон уруши тузганидан буюн ушбу партия миллий қўролли қучлар тузиш конституцияға хилофдир, деган фикрни олга суриб келган эди.

ЗОБИТЛАР ИШ ТАШЛАДИ

"Узоқ Шарқ ҳарбий-деңиз қурилиш"нинг 16 зобити ойлаб-маош ололмагани сабабли иш ташлашди. Тинч уммон флотини тарихида илгари бундай воқеа содир бўлмаган эди.

Зобитлар ўз ҳақларини талаб қилиб, прокуратураға мурожаат этишди. Шундан сўнг улар маошларининг бир қисмини олишга муваффақ бўлдилар. Бироқ, ишчи ва хизматчилар ҳамон маошсиз қолмоқда. Уларнинг ақарияти апрель ойидан буюн ойлик маошларини ологани йўқ.

ИККИ ПОЕЗД, ТўҚНАШДИ

Куба пойтахтининг Ляно туманида йўловчи ташувчи икки поезд бир-бири билан тўқнашди. Дастлабки маълумотларға қараганда, тўқнашув туфайли 6 киши ҳалок бўлди, 156 киши жароҳатланди. Айти пайтда ҳилокат сабаблари аниқланмоқда.

Маҳаллий аҳоли қон бериш учун жароҳатланганлар келтирилган ишфохоналарға мурожаат этмоқда.

ТОЖИКИСТОНДА РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИЛАДИ

Республика Олий Кенгашининг 12-қақриқ 19-сессиясида "Тожикистон Республикасининг Конституциявий ислоҳоти, Тожикистон Республикаси Конституциясини тағйир қилиш ва уни амалга киритиш тартиби тўғрисида" қонун қабул қилинди.

Қонунға мувофиқ янги Конституцияни қабул қилиш юзасидан умумхалқ сўрови ва Тожикистон Республикаси Президент сайлови 1994 йил 25 сентябрь кўни ўтказилади.

КОНТРАБАНДАЧИЛАРГА ҚАРШИ

Бирлашган Араб Амирликлари соҳилин қўриқлаш қучлари ва полицияси ҳамкорликда контрабандачиларға қарши қўшма рейд ўтказди. Тадбир натижасида 200 килограмм қорандор ва наркотикига даҳлдор 8 киши қўлга олинди. 1991 йилда Амирлик ҳўкуми мувофиза қилиш органлари 3 тонна гиеҳванд моддани қўлга туширган эди.

"ОШКОРАЛИК" ҚИММАТГА ТУШДИ

Мароканиннинг Касабланка шаҳри суди маҳаллий университетнинг домласи ва 16 талабасини адов учун турли муддатга озодликдан маҳрум этди.

Маълум бўлишича, табиет факультети домласи Л. Мустахид 10 минг динар (111 доллар) эвазига талабаларға имтиҳон билетларини қўришга ижозат берган. Энди домла ҳам, талабалар ҳам жарима тўлаб, жазо муддатини ўтайди.

ТАШХИСНИ БОЖХОНА ХОДИМЛАРИ ҚўЙИШДИ

Санкт-Петербург. Шаҳар халқаро аэропорти божхона ходимлари Анастасия исми ермеонни махсул қўриқдан ўтказишга, қизик воқеанинг евоғи бўлишди.

Сезир мослама меҳмоннинг евужда темир нарчаси борлигини кўрсатди. Маълум бўлишича, бу жароҳатлик ойнаси экан. "Модир" врачлар Анастасиянинг қўзи ериётган пайтда фойдаланган асбобини унутиб қолдиришган экан. У орқидан бир неча бор шикоят қилганига қарамай, докторлар дард ўз-ўзидан йўқолади, деб уни хотиржам этишган. Анастасиянинг дардини божхона ходимлари аниқлашни ким ҳам ўйлабди, дейсиз.

ҲАРБИЙ СИНОВ МАЙДОНИ БЕЛГИЛАНДИ

Россия мудофиа вазири Павел Грачев журналистларға Россия-Америка бирлашдидаги ҳарбий машқларни имзоланган битмида қайд этилганидек, шу йил сентябрь ойида ўтказилишини маълум қилди.

Ававалроқ Россия давлат думаси бу машқларнинг ўтказилишиға норозилик билдирган эди. Шундан сўне Америкаликлар машқларни ўз мамлақати зудудида ўтказишни тақлиф этишди. Бироқ, Россия мудофиа вазири бунда сарф-ҳаражатлар низоғида ортиб кетишини, америкаликларни Россия худудига киритишдан чўшини "ўтмиш касаллиғи" эканини айтди. 28 июль кўни ҳўкумат мажлисидан сўнг бу машқлар Россияда Тоққ сенов майдонида ўтказилиши ойдинлашди.

От чопса гўмбурлар тоғнинг дараси...



Ш. ИБРОҲИМОВ фотолавҳаси.

Ички бозор муаммолари

ЙИҒИЛИШДА ДўКОН МУДИРЛАРИЮ ҚАССОБЛАР ҲАМ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Намангандаги дўконларда гўштининг нисбатан арзонроқ сотилишини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда. Шу мақсадда шаҳардаги гўшт дўконларнинг мудирлари ва дўкондорлари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

Унда миллий пулга ўтилганлиги муносабати билан гўшт махсулотларининг чекланган нархда сотилишини таъминлаш борасида аниқ-равшан тақлифлар йўлга қўйилди. Бу ишни амалга оширишга шаҳар соҳибкорлик инспекцияси ҳамда шаҳар "Коопторг"и бошлиқлари зиммаларига юкланди.

Йиғилишда қассоблар мол-қўйларни боқиб учун ем-хашак, шелуха ва кунжарани кўпроқ сотишни йўлғо қўйиш кераклигини таъкидлашди. Бугун мавжуд 60 та маҳаллада 120 дан ортиқ гўшт ва мева-сабзавот билан савдо қилувчи дўкон ишлаб турибди.

Қолаверса, Гўштқўприк, Курашхона, Вокзал, Исфархон, "Қўкатлар бозори", Совет қўчаси, Бобуршўх қўчаси, Дўстлик шўхқўчаси каби тўққизта майдонда мева-сабзавот сотиш бўйича доимий ярмаркалар очилган. Хар кўни 560-720 тоннагача мева-сабзавотлар, дон махсулотлари сотуваға чиқарилаётгани сўммимиз қўйматининг ошиши учун хизмат қилаёттир.

Т.СУЛАЙМОНОВ, "Наманган садоси" газетаси муҳаррири.

TASHKOSAVTO



"ТОШҚОЧАВТО" TOFAŞ

Ўзбек-турк қўшма корхонаси "Тофаш" (ҳамма русумдаги "Доған", "Қармал", "Темпра", "Тупо-Уно" ва бошқа) автомобилларига тез ва сифатли техник хизмат кўсатишни кафолатлайди. Манзил: Тошкент ш., Ойбек шўх қўчаси, 47-уй (Метронинг Ойбек номли бекати ёнида). Тел.: 33-83-27, 33-82-69, 54-83-98. Факс: 33-82-69 "ТОШҚОЧАВТО": автомобил сизники, биздан хизмат.

ҚУРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА! Тез, арзон ва чиройли қилиб қуришда Сизға универсал ҳавозалар асқотади. Маълумот учун кўйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 32-47-04

Қишлоқ ҳўжалик вазирлиги қонидаги республика "Ўзқишлоққиме" ишлаб чиқариш илмий бирлашмаси 1994 йил 1 июндан деҳқончилик саноатига агрокимевий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон "Ўзагрокимесервис" ҳиссадорлик уюшмасига айлантирилди. Даволар матбуотда эълон босилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Телефонлар: 35-08-33, 35-19-12, 35-24-86.

"ПГС" фирмаси тақлиф этади: Мева-сабзавот, гўшт, резаворлар ва ўхшаш махсулотлар қуригидан шакф. Бир кеч-ю кунушда махсулот қайта ишлаб чиқариш қувватли 200 кг. гача; 400 кг. дан 2500 кг. гача бўлган махсулотни қуригидан юқори қувватли кичик шеклар. Бизнинг шақфлар қисқа муддатда, электр энергиясини исроф қилмасдан юқори сифатли махсулотларни қайта тайёрлашнинг гаривидир. Телефонларимиз: 76-66-80, 77-83-98.



• Охунжон Ҳақимов — 60 ёшда

ТАБИАТИ ТИНИҚ ШОИР

Сўзида, кўзида самимияти балқиб турган шоир Охунжон Ҳақимов ҳақида гап кетса, дарҳол тилимда унинг "Дудуқ дема" сарлаҳли саккиз қатор лирик шеъри такрорланади:

Сени кўрсан чўлдек қазириб, Сўзга келмай қолганда тилим. Тагин ҳар хил шубҳага бориб, "Дудуқманан", дема, севгилим.

Чин юракдан севинганларга, Изохсиз ҳам ошқор бу сир: Ошиқ йилит ва машуққа қиз "Дудуқлаиб" олади бир-бир... Мен бу шеъри кўзларим чақнаб, қадамларим чатнаб, "дудуқлаиб" юрган йилларимда ўқитман. Эллигинча йиллар

ўрталарида "Шарқ юлдузи" журналининг охири саҳифасида Охунжон аканинг бир даста севги, муҳаббатта бағишланган шеърлари эълон қилинди. Ушлар орасида "Дудуқ дема" си ҳам бор эди. Гап шундаки, Охунжон Ҳақимов менинг сўзимни тингланг, деб ўқувчисини топаётган йилларда шеърият бағрига тоза ҳаво киралошган, сохта, баландпарвоз мисралар, ашёрлар лабига учқу тошётган эди.

Охунжон Ҳақимов билан астойдил салом-алигим Ташкентда бошланди. У киши анча йил марказда, каттақон республика газетда ишлади. Қатор-қатор тўламавлар нашр қилди. Достонлар эди. Унинг барча эзганларида самимият, табиийлик балқиб турди. Адабий

жамоатчилик унинг қайси эганини ўқимасин, "Узимизнинг Охунжонда" деб қўяверадим. Шундан гоҳ ўз авлоди рўйхатига кирди, гоҳ киролмай қолди. Ўз баҳомини ўзим биланам, леги-ю, гузал Фарғонасига қараб жунади. Рўйхатларга қачон кирарман деб, юрган акамиз гузаллар диериди бирдан гузаллик куйчисига айланди.

Мен бунни сезганим нимадан. Ҳозирги кунда айримларимиз сабрсизлик касалига йўлликканмиз. Китоб-вараклашга фурсатимиз йўқ. Гарчун китоб дегани шоир учун орзуга айланаётган бўлса-да, лекин яхши кўшиқни тинглашга вақтимиз етди. Кейинги ўн йил орасида Охунжон Ҳақим шундай кўшиқлар битдики, роҳатлаиб эшитгач, сенил тортиб, йилитлик

давринги эслаб кетасан. Эслаб кетасан-у, "дудуқлаиб" юрган пайтинг аллақачон ўтиб кетган. Юрагингда унинг завқи такрорланади холос. Охунжон Ҳақимов жим тураримди. Олтмиш у еқда турсин, юзга кирганда ҳам: Бир дақиқа тур қонимда сенига арзи ҳол этай, Бир дақиқанг қиммати гар бўлса, майин жонга тенг. демайдим, деб ким қафолат берарди...

Шоир бугун алаббетдаги аллақим эмас. Ўзбекининг меҳру муҳаббатини куйлаётган табиати тиниқ шоир. Ишонмасангиз, "Қизлар ҳаёл сурсалар" деб ўртаниб юрган йилитлардан сўрай қолинг. Улмас мавзуларда иждоқ қилган иждоқор ҳеч қачон кам бўлмаган...

Сафар БАРНОЕВ.

Дўстлар, ер васфини битса Охунжон, Билингким, қаламин бекорага йўнмас.

ИККИ ЭГМА ҚОШ АНА

Истар эрдине бир қўйени, эй қўнғил, қўйе ана, Бир вужудинг мине ёқувчи, ўт ана, оташ ана. Теграсинда чарх урурман ўтимиб, лутфу караи Мандайин ошиқ қолиб ағерларга сирдош ана! Сарвинозлар орасинда битта бўлса бағришош Шул малак сиймо йшалди, якка бағришош ана! Кўп эрурми ошиқ аҳли, гоабидан мағлуби Ёлборурман пойлариди кўзларимда ёш, мана... Қайтмагайман йўлларимдан қилса юз минг имтихон

МУҲАББАТ ОТАШИ СЎНМАС

Кўешинг нурусиз гивҳ-да унмас Ёрсиз ўткарган кунларинг кўнмас. Носоз давраларда бийрон зопларинг Айтган каломлари ҳавоши, чинмас. Маюмат ўқига бўлса-да нишон, Ҳок инсон пок қолур, ҳеч ғубор қўнмас Ҳақиқатдан айру йўл йўл эмасдир Кўнғили бу йўлларга киреали қўнмас. Муҳаббат кўкида жавлонларим бор, То юрак тинмаса бу жавлон тинмас Токи кўзларимда оташ бор экан Кўксимда муҳаббат оташи сўнмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг қўшма реиди

"Тошкент" станциясига қарашли барча йўналишларга темир йўл чипталарини олдиндан сотувчи 20 та кассанинг деярли ҳаммаси ёнида одам тирбанд бўлади. Аммо фақат бахти чопганларгина билет олишади, холос. Чипталар, масалан, Москвага 14 сентябргача сотилиб бўлинган экан. Демак, бир ярим ойдан сўнгги кунлар учун билет олишингиз мумкин. Лекин тонг саҳардан келиб навбатга туришга, соатлаб кутишга сабрингиз чидаса бўлгани.

қўмитаси ходимлари бундан сал илгарти ўтказган текширув ҳужжатлари янада тўлдиради. Мавжуд 20 та кассадан тўрттасида молиявий қонунлар ҳўпол равишда бузилади. Масалан, кассирлар Д. Обидовдан 208425 сўм-купон, М. Уриновдан эса, 586 сўм ошиққа чиққан. Ким билди, балки бу пуллар чипта олувчилар берган "пашка"дир?

Кассахона қоровули Бозорбой Рўзимбетовнинг стол тормасидан эса паспорт, турилганлик тўрттасидаги гувоҳнома, хизмат одамлар номига чипта олиш ҳақидаги суз қорозлари, 50 миң Россия рубли чикди. Буларни кўриб, қоровул ҳам кассир эмаслигини, деган фикрга борасан киши...

Кизикдик. — Тўғри, кассаларимизда тартибсизликлар учраб туради. — дея тан олди у. — Ҳатто ходимларимизнинг билетларини яширган ҳоллари ҳам бўлган. Масалан, бир кассиримизнинг ёнидан Москвадан Тошкентгача қайтиб келиш учун олинган 17 донна чипта топилди. Бошқа бирининг темир саңдигида 30 донна паспорт бор экан. Уларни ишдан ҳайдадик, албатта. Фақат, ўтган ойнинг ўзида 8 нафар кассирни бушаддик. Тўшунинг, ахир ҳар бирининг теписига назоратчи қўйиб бўлмайдими-ку.

Чиптафурушлар масаласига келсак, улардан биз ҳам безоримиз. Улар орасида қалбаки билет ясовчиларим бор. Ишонсангиз, улар исм-шарифлар у ерда

— Хуқуқ-тартибот органлари ходимлари ерадаида қаллобларни кассахона олдиндан ҳайдаш керак. Бу борада қатъий назорат ўрнатил лозим, — дейишди чипта олш учун навбатда турганлар. — Бозор муносабатларига Утин ҳақида ўйлайдиган фурсат етди, — дейди Донёр Заҳридинов. — Чипталаринг тижорат йўли билан сотадиған бўлимлар очил лозим. Ушанда даромад давлат хазинасига тушади. Бизнинг назаримизда ҳам шундай.

Тўражон АЛИБОВЕВ, Шавкат БЕШБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг масъул ходимлари. Тоҳир ДОЛИЕВ, "Халқ сўзи"нинг махсус мухбири. Леонид СОН, "Народное слово"нинг махсус мухбири.

СУРАТДА: чипта бозори. Чиптафурушлардан бири. Олдиндан чипта сотиш кассалари ёнидаги вазият. И. ШЕРБЕК олган суратлар.

Қисқа састрларда

МАДАНИЙ — СПОРТ МАЖМУИ

Кўнғирот шаҳрида маданият-спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Уч қаavatли иморатда 300 ўринли томошабинлар зали, 300 ўринли кинотеатр, спорт, теннис ва дам олиш хоналари ҳамда кутубхона мавжуд. Уни Кўнғирот магистрал газ тармоқлари линияси ишлаб чиқариш бирлашмаси қуриб берди.

ЯНГИ МАРКАЗ

Бухорода Республика болалар-ўсмирлар ижодиети маркази шохобчиси очилди. Бу ерда тажрибали педагоглар қобилиятли болаларни қадимий халқ хунарлари — зардўзлик, ганчкорлик, мисгарликка ўргатишади. (ЎА мухбири).



Айдар-Арнисой қўллари атрофида тўнғиз, ондатра, қирғовул, бўрсукларни ов қилиш 3 йил муоддатгача ман этилади. Давлат биологик назорати.

"БАРИШ ТИЖАРЕТ" шу ба ширкати нақд пулсиз тўловларга қуйидаги молларни сотиб олишга эҳтиёжи бор: 1. Пахта иппиклар (№34-1;2 ва №54-1;2). 2. Бўз матолар (эни 145 см. дан юқори ва қалин бўлиши лозим). 3. Жайдаги қўйлар терилари (70 дц. дан катталари ва 1 навлари бўлиши лозим). Шунингдек ушбу ширкатнинг Тошкентдаги омборидан пилорама сотилади (Туркия маҳсулоти). Биз учун ҳар турли тўловлар қўлайдир. Маълумот учун телефонлар: 41-00-72, 41-01-72.

Кураш, ақл-идрок ва ирода поэзияси

КЕЛИН ТОПГАН ЙЎЛ

Қадим замонда икки шохмотчи чол ўтган экан. Улардан бири иккинчисига ҳамма молу дунёсини бой бериб қўйибди. Шундай бўлса — да, ютқизган чол барибир тан бермабди. Ютқизганларини қайта ютиб олишга қарор қилибди.

Ўтиб қилсак, болаларни жонини тикибди. Оқ доналарда ўйнашга ки ёнига ортсак — да, қарамай, бу сафар ҳам омади чопмабди. Атиги бир юришдан сўнг мот бўлиш ҳолатига тушиб қолибди.

Ўтин қилсак, болаларни саватчага солиб, туянинг ик-доналарда қилинаётган 3-диаграммада чолнинг танг аҳволга тушган вазияти акс эттирилган. Фаросатли келин сўзлари асосида оқларнинг ютиб чиқиш йўлини топишни сизнинг эътиборингизга ҳавола этамиз. Одатдагидек, жавоб хатларингизни кутамиз.

3-ДИАГРАММА



(Сиз учинчи диаграммада ана шу вазиятни кўриб турибсиз).

Чолнинг зукко келини ўйинни кузатиб турган экан. У оғир аҳволдан қутилиш йўлини топибди — ю, бироқ уни очиқ айтишга жазм қилмабди. Лекин қайнотасини танг аҳволдан қутқариш керак. Шунда дебди: — Ота, бу йил баҳор оғир келди. Болаларимнинг ик-киси ҳам катта бўлиб қолди. Очликдан қутулиш учун арваларни синдириб

4-ДИАГРАММА



УЧ ГОРИШДА МОТ

Шунақа гап...

"ҲУШЁРХОНА" КАСОДГА УЧРАДИ

Хоразмда яққаю-ягона ҳисобланган Урганч шаҳар "хушерхонаси" касодга учради.

"Мижозлар" қўллаб, ҳафтадаб келмай қўйгач, уни беркитишга қарор қилишибди. Тўғри-дема, "меҳмонхона"ни меҳмон учун асрашади, меҳмон келмай қўйганда эса... баҳридан ўтгишади-да.

Касод бўлган Урганч "хушерхона"сининг 20 га келин хизматчиси — бошлиғидан тортиб, оддий фарроши гача барини милициянинг бошқа зарур юмушларига йўлашди. Унинг фаолияти билан боғлиқ бошқа сарф-ҳаражатлар ҳам енга қолаётган бўлди.

А. СОБИРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

ТЕМИР ЙЎЛ КАССАСИ ОЛДИДАГИ ЧИПТАФУРУШЛИК



Бундан ташқари, текширувдан маълум бўлишича, чипталарни банд қилиш (брон) тўрттасидаги тартибга мазкур даргоҳда умуман ривож қилинмаскан. Темир йўл ходимлари чипталарни истаганча банд қилиб олаверипаркан. Биз Тошкент темир йўл станцияси бошлиғи Донёр Заҳридиновнинг мазкур аҳволга муносабати қандайлиги билан

Халқ сўзи Народное слово. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙЎЗБЕК, Эсирғам БОЛИЕВ (масъул котиб, "Халқ сўзи"), Эрини ВОҲИДОВ, Миралмак МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, "Халқ сўзи"), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, "Народное слово"), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, "Народное слово"), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммадjon ҚОРАБОВЕВ, Садахор ҒУЛОМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-й. Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев, навбатчи — Р. Жумасев.